



Ўзбек адабиётининг якин тарихида ўзининг юксак ва сержило истеъдоди, серсамар фаолият макоми билан ёркин из колдирган Максуд Шайхзода ижодиёти, турфа фазлларга бойлиги боис, ҳам хайратбахш, ҳам ибратлидир. Унинг шеърияти тафаккур тарзи донишона, туйгулари химматли, орзулари олам мусаффолигию инсоният комиллиги бўлган бетакрор лирик кахрамонни намоён килади.

Жахон адабий жараёни сўз санъатининг кизикарли, гоъвий- назарий тадқиқ тармоги — шеъриятнинг мохият ва мезонларини идроклаш масалаларига доимо ҳамнафас яшаб келади. Шеърият нималиги, кандай лириканинг макбуллиги, қай йўсин поэтик тафаккурнинг яшовчанлиги хақидаги муаммоларга муносабатлар даврларга хос кун тартибида туради. Бу борадаги бахслар, хислар, мушоҳадалардан ҳеч бир адиб, адабиёт олими ва ҳеч бир шеърият мухлиси чеккада қолмаган.

Шайхзода Шарқу Гарб адабий меросини чуқур ўрганган, дурдона тажрибаларни саралаб, манзур жихатларини ўз ижоди ҳамда адабиётимиз манфаати учун оқилона хизмат қилдира олган, уларни холисона хулосалаб бера олган олим-адиб ҳам эди. У Фирдавсий, Низомий, Шота Руставели, Шайх Саъдий, Хофиз Шерозий, Бедил, Фузулий, Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фуркат, Хамза сингари ўтмиш шоирлар, шунингдек, ўзига замондош бўлган кўплаб ўзбек ва қардош адибларнинг ижодлари бўйича изланишлар, илмий ишлар олиб борди.

Адабиёт, фалсафа, тарих, мантик, фольклор, тилшунослик илмларининг пухта билимдони — Шайхзоданинг Навоий ижодига оид мақолаларидан ташкил топган «Гениал шоир» (Тошкент, 1941 йил) тўплами ва унинг 1948 йилда яратган Навоий лирикасига бағишланган катта илмий ишига атоқли адабиётшунос Азиз Каюмов юқори баҳо беради. Шайхзода қузатишлари, таҳлил ва хулосаларининг адабий-назарий ахамияти юксак эканини эътироф этади. «Навоий шеъриятининг бу чуқур илмий тадқиқоти» барча қимматли илмий мулоҳазалари билан навоийшуносликда ҳамиша алоҳида ўрин эгаллаб қолажагини таъқидлайди.

Максуд Шайхзода адабиёт назариясининг ҳамма қонунлар ижодқорлари учун зарурий йўл-йўриқлари, мақсад- талабларини, адабий алоқалар ва таъсирларни, муайян ижодқорларнинг хосликлари ва поэтик маҳоратларини, умуман, жараённинг гоъйда долзарб масалалари, муаммоларини теран тадқиқ этади. Мутлақ умумий меъёр, қонуният ҳамда қарашларни адабий тажрибалар мисолида далиллайди, айна қокда, бошқаларга ўхшамас индивидуал услубий хусусиятлар орқали адабиётни юксалтириш омилларини маъқуллайди.

Сўз санъати назариясининг барқарор қоидалари, бадиият, вазн, қофия, аруз, шеърий санъат қаби билимларни мустақкам эгаллашнинг адабиёт таракқийси учун нечоғли

мухмилгини уктиради. Уларни кенг таргиб этади. Ижодлар, уларнинг муносиб намуналари тадқиқи мобайнида ҳамма тез англамайдиган энг нозик кирраларни, маъноларни, тагмаънолар ва санъатларни тушунарли тахлил оркали очиб беради. Чунончи, Навоий газалиётини кадим Шарк газалчилиги камровида, анъанавийлик, бардавомлик, новаторлик нисбатида киёсан кузатар экан, илк бора фавкулудда хакконий илмий хулосаларни юзага чикаради. Шайхзода газалнавислик тараккиётининг бадиий тасвир воситалари арсеналига Навоий томонидан олиб кирилган бир неча «поэтик усуллар»ни аниклайди ва шундай ёзади:

«Навоий газалининг асосий ва биринчи хислати унинг мантикий тарзда тузилиши, бир моментнинг иккинчи моментдан тугилиб келишидир. Бу жуда мухим хислатдир. Чунки кўп газалнавис шоирларда шеър гўзал ва алохида байтлардан иборат бўлиб, механик равишда тузилгани учун ундаги байтлар олдинма-кейин килиб алмаштирилса, ўкиган киши бу ўзгаришнинг фаркига етмаслиги ҳам мумкин. Шу маънода олганимизда бир канча газалнависларнинг шеърларида сюжет кўринмайди».

Дархақиқат, Навоийга кадар яшаб ижод этган аксарият шоирларнинг назмларида ягона бир мавзу ва образ асар мобайнида устуворлик килмас ёки мавзунинг талкинида байтлар тартиботига ўта жиддий ёндашилмас, тематик жихатдан бир-бирига якин истиоралар, ташбеҳлар ёнма-ён тизилар, натижада нафис, бироқ воқеабанд бўлмаган асарлар вужудга келар эди. Бундай лирик шеърлар, Шайхзода фикрича, ўзларида субъектив хисларнинг таркок жилваларини намоён қилади. Навоийда эса бу масаладаги махорат жуда юксак: хатто энг кичик лирик шеърларида ҳам фикрий муддаонинг бутунлигини, объектив воқеаларнинг ботартиб силсиласини, байтларнинг мантикий ришталар билан айнан ўз ўрнида боғланишини кузатиш мумкин. Шундай мохирлик туфайли газалида парчалаб бўлмас бир бутунлик, байтларнинг бир-бирига тасодифий эмас, балки мантикий муносабатлар билан боғланиши ҳосил бўлади.

Албатта, Шайхзода тасвирланган «воқеа» деганда реал содир бўлган ёки лирик тўқима саналган аник, ҳаётий-эпизод ходисани эмас, даставвал мисраларда, байтларда баён қилинган маъно-мазмунларнинг ягона мавзу ичидаги ҳамоҳанглиги ва муштараклигини, «сюжет» деганда эса, насродаги шу номли ёки «фабула» деб аталмиш тушунчаларни эмас, кўпроқ ўша яхлит мавзу доирасидаги фикр, маъно, образлиқнинг изчиллигини, фикр ташувчи байтларнинг ниҳоятда тўғри, ўз ўрнида жойлаштирилишини назарда тутди. Шу зайл нозик кузатувлари натижасида катъий тўхтамга ва хулосага келадик, газалларда кенг маънодаги маълум бир воқеани ярата билиш, байтларни маънан, фикран ва суратан боғлаш у ёки бу даражада Навоий лирикасига хос бўлган биринчи бадиий усулдир.

Бу—мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг шеършунослик мактабидан олинадиган саноксиз сабоқлардан бирининг олим Шайхзода томонидан қилинган илмий кашфи. Бу—айни холда, лирикага хос сюжет масаласига шубҳали қарашларга, шеъриятдаги сюжет ва композицияни идрокламасликка қарши далилий илмий тадқиқ. Бу—шоирларни мантикий воқеабандликдек юксак санъаткорликка ундов ва чорлов.

Сўз санъатига дахлдор етук илмлардан, дунё адибларининг ютуқлари сирларидан муфассал воқиғалиги, зукко ва нозиктаъб шеършунослиги Шайхзоданинг ўз шеъриятида ҳар жихатдан тасдиқларини топди. У яратган шеърият катта махорат мактаби бўлиб, унинг дарсхоналарида бадиий ижоднинг хилма-хил мақсад ва вазифаларига қай йўсинда ёндашув жоизлигини ҳисламок, ўрганмок мумкин. Шайхзода адабий меросини, хусусан, лирикадаги ижодини адабиётшунослик ва тилшунослик йўналишларида шу

нуктаи назардан алохида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, аллома адибнинг шеър илмига доир адабий-назарий қарашлари муайян муносабатлар билан бевосита шеъриятнинг ўзида, унинг мазмунида маълум даражада ўз ифодасига эга. Ижодкорнинг масъуллик туйғусини, унинг шараф-номусини, сўз санъатининг ўзига ҳос тақозоларини, ҳаётнинг шоирга таъсирлар кўламини, шоирнинг оламга муносабат микёсларини Шайхзода «Шоир калби дунёни тинглар...» (1960 йил) шеърида «товуш» рамзий поэтик образи орқали жўшқин, янғроқ мисраларда ифода этади: шоирнинг калби бутун дунё ходисот ва манзараларига ҳамнафас, ҳамоханг яшайди, Ер юзининг барча кўчаларидан, кундузлари, кечаларидан унинг калбига турли-туман овозлар кириб келади, бу унлар шоир дилининг ҳамрозларидир.

Шоир калбин дарчаларидан талай товуш кириб келади.

Худди борлик парчаларидан яратилар дунё сурати.

Товушларнинг кичик, улуги, товушларнинг хиди-бўйи бор. Товушларнинг совук, илиги, товушларнинг ранги-рўйи бор. Товушларнинг ширин-аччиги, бордир хатто юмшоқ, каттиги.

Ошиқлар пичири, гулханлар гуриллаши, эхтиросли кую нагмалар, «хатто ранги кора, сим-сиёҳ» нолалар — овозларнинг барча-барчаси шоир калбига беижозат оқиб қирадилар; уларни шоир бежавоб қолдирса, жабрини ўзи тартади — нашъалардан жудо бўлади, калби ҳаво қирмас мангу берк, гариб бир сағанага айланади.

«Сохилда ўйланишлар» шеърида Шайхзоданинг олам ва инсон моҳияти бобидаги қарашлари янада мантиқан ёниқ, поэтик жозибадор намоён бўлган. Ер юзида инсон учун яратилган мўъжиза неъматлар, яратилар нақадар кўп. Бошқа гўшаларга нисбатан денгиз сохиллари инсонда фалсафий майлларни кўпроқ кўзгайди, ўйлашни, тафаккурни талқин айлайди. Сохиллар файласуфлар қабидир: зехнга муаммолардан сўз сўйлайди, ҳаёт ва ўлим низосини, фонийлик ва мангулик нисбатини ўйлатади. Оқу Қора, Қизил денгизлар, бўғоз, кўрфаз, ороллар, кумлоқ, тўлқин, тоғу ўрмонларга боқайтган шоир мақсадга чинакам мувофиқ яралишни — илохий меъёрни, мувозанатни ҳис қилади. Буларнинг баридан бош мудддо — инсон манфаати гўзаллик ва эзгулик яратиш. Ўзи туйган ҳикматларини шоир шеърият зиммасидаги мажбуриятлар билан қиёслайди: Худди шундай: шоирнинг юраги ҳам узок-яқин башар зотиға ҳамдам.

Худди шундай: шоирнинг байтлари ҳам

Дунёнинг дардлари ва ташвишига

Зафари, қураши, интилишига, ҳар жой, ҳар рангдаги истакларига,

Ростиға, тушиға, эртакларига очиб қенг бағир меъёр-қу, ахир!

Лирик қаҳрамон баъзан шоир сифатида қиёфаланади. Истеъдод зиммасидаги улкан масъулиятнинг машаққатли, марғуб-номарғуб томонлари ҳақида поэтик баҳс юритади. Вактнинг шиддатли ўтиши, давроннинг қизгин янгилинишлари шоирдаги ҳозиржавоблик ҳиссини орттиради. Гоҳ шеърға, қаламға, шеъриятға, сиёҳдонға мурожаат усулида бу борадаги аҳдини, мақсадларини изҳор қилади. Вақифанинг кўплиги ва улғиришнинг қийинлигидан ҳаяжонланиб, «қомусдай сўзлик» қа эҳтиёж сезади. «Толе йилларига негиз қўйганлар... Қамон қутмаслигин билиб...» эртани бугун ўзлаш Тирганлар, йўлларда қадамни тезлаштирганлар («Иқбол дафтари»). Шоир юракларнинг баралла овози билан баланд пардаларда қуйламоғи, унинг юраги «гўзаллик ходими» бўлмоғи қерак («Йилларни қузатиб, йилларни қутиб...»):

Шеърим, сен йилларнинг савлатин қуйла!

Биламан, бу қийин... Бағоят қийин!

Шеърнинг ўлчовлик мисраси ила
Мумкинми ўлчамок йилларнинг бўйин!

Ижод талаблари, сўзни қўллаш маромлари ҳамда баён мезонларини Шайхзода шеърий шаклларда ҳам ўринли, таъсирчан уктиролган назариётчидир. Бехуда касидачиликни, номуносиб мадхни, сохталикни коралайди шоир («305-бетда ўлди кахрамон», «Калам»). Юлдузларнинг сони кадар шоирлар кўп ўтган, улар юлдузларга багишлаб сон-саноксиз нагмалар битган. «Тасвирларни устозлардан оширмоқ учун Хар каламга кўшмоқ керак кирк юлдуз кучин». Ва лекин шеъриятда бош мавзу ва мақсад мукаррам хилкат—инсон бўлиши зарур («Сен ўзинг—шеър»). «Инсон: шеър ва шоир» манзумасида Шайхзода шундай мисралар битади:

Калбида эрк билан кўркни жамлаган,
Башарнинг икболин, нурин гамлаган
Инсон шарофати — шеъримга мавзу,
У билан мушарраф кўшик ва ёзув.
Ха, бундай тарона куёшга фарзанд,
Ундан юлдузлар ҳам, гуллар ҳам хурсанд.

Мисрага юкланса огир ўй-хаёл,
Майли, ўша байтим аталсин хаммол.
Мисрага туйгулар бўлсалар хамкор,
Аталсин у байтим учагон шункор.

Назм сохиби газалнинг-да кадрили авайлаши, сўзини хадеб сотишдан сакланиши, шеър неъматининг обрўсини туширмаслиги лозим. Зеро, шоир сўзнинг кадрили билолмаса, ўзини ҳам ҳеч қачон била олмайди («Икки шеър»). Шайхзоданинг «Рубоий хакида рубоий»сидаги поэтик сўроқлар ҳар қандай шеърга, ижодий намунага юкланувчи талабларни чуқур идрок қилишга ҳам чорлайди:

Ҳар қандай тўрт товуш нагма бўлурми?

Илгаксиз қўйлақда тугма бўлурми?

Рубоий — маънолар баҳрида кема,

Тўрт дона кайикдан кема бўлурми?

Шоир бевосита ижоднинг бирор масаласига багишланган ёхуд тамоман бошқа мавзуларга тегишли турли жанрлардаги шеърларида, муайян мантикий истак-майлар боис бўлиб, ижодкорлик захмати («Айрилик»), шеъриятнинг етакчи муддао, тамойил, вазифаларига ибратли муносабатлар билдиради. «Мисранинг тугилиши» шеърида куйидагича ёзади:

Окшом чоги эшикни коккан

Азиз, гўзал, лекин ногаҳон

Кутилмаган меҳмонлар каби

Хаёлимда образлар бесон.

Ҳар бири ҳам ўсмоқ истайди,

Ҳар бири ҳам истар навозиш,

Ҳар бири ҳам норасида ёш,

Килмоқ керак уни парвариш.

Уймаланган катор ташбихлар

Карвондир, сарбон истайди.

Шитирлаган баргдан тўкилган

Кофиялар мени кистайди...

Фикр кияр хаёл либосин,
Ўхшар суратхонага мия.
Рухим кўчар шеъристонга,
Шўх канот-ла учар кофия.
Ватан берар шоирга ишкни,
Шўх кофия—унга бахона.
Шу Ватандан шуъла нур олган
Мисра учун, айт-чи, бахо на!

Шайхзода шеъриятида илми адаб ва шеършуносликнинг — тур, жанр, вазн, кофия, аруз, бармок, услуб, шакл, мазмун каби адабий унсурларнинг шоирона талкинларига, таърифларига бот-бот дуч келасиз: «Наср —огир кадам, назм—чопагон», «Гул» ила «булбул»ни жуфтламок арзон» («Тошкентнома»); «Кайтарик сўз назм уйин килади вайрон» («Сен ўзинг —шеър»); «Гап каламда ё жинсида эмасдир, Каламкашнинг калбидадир хамма сир», «Хар шоирнинг ўз калами, хати бор, Шеършунос бунга килар эътибор» («Калам»); «Сиёҳдон, замонга бизмиз жавобгар, Йўкса, иккимизга хакли гап тегар» («Сиёҳдоним») ва хоказо.

Низомий, Навоий, Фузулий, Махтумкули, Пушкин, Толстой, Хамза, Гафур Гулом, Ойбек, Миртемир ва бошка адибларга багишлаган манзумалари хам бу ижодларга халқлар эхтироминигина эмас, Шайхзоданинг адабиётга оид улугвор карашларини хам ўз ичига олади. «Розиман, бутун ер куррамиз учун Бир карра мен тортсам барча дардларни», дейди фидокор шоир «Товушлар» шеърида. Шайхзода шеърни «киши рухиятининг сероханг сози», бадий адабиётни дунёни ва инсон калбини покдомон этувчи, рухни бойитувчи, гўзаллаштирувчи «гўзал дўстимиз» деб билади. Шеърсиз калблар аянчли, ачинарлидир. Бечоралар билмайдики, «Шеър чин гўзаллик синглиси экан»:

Шеърият диёрин шоирларимиз,
Кар уй, хар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз
Демакки, умримиз ўтмабди бекор!..

Шайхзода—кўламдор маънодаги сўз санъаткори, бадий сўз муаллими. Айникса, тадқиқ мақсадида ўрганилар экан, унинг шеърияти нодир топилма-дурдоналарни — ўзигача бўлмаган бетакрор кофияларни, янги ихтиро сўзларни, хикматона ибораларни, вазнларнинг имконият микёсларини, хатто товушларнинг мақсадга ҳамоҳанг товланишларини намоиш килади. Шайхзода шеърияти шеършуносликнинг барча мавзу-масалаларидан сабоқлар берувчи мактаб ҳамдир.

Тохир Шермуродов “Жозиб изхор излаб” китобидан